

Ёмонликдан қайтариш услуги



16:53 / 28.01.2022 2874

Ижтимоий тармоқларда бирорта ўзбек сериали ёки киносидаги беҳаё сахнадан кесиб олинган лавҳа «Ўзбек сериалининг аҳволи», «Маънавиятчилар қаёққа қараяпти?!» каби гапларни ёзиб пост қилиб жойлаштириш ҳолати бор.

Ёмонликдан қайтариш учун ўша ёмонликнинг манзилини айтиш, уни кўрсатиш шарт эмас!

Ўша беҳаёлик кўрсатилган сахнани охиригача кўриб бўлиб, кейин «Вой дод, киночиларга нима бўлди?!» деб пост қўйиш нима дегани?!

Масалан, «Фалон.ру деган сайтга кирманглар, унда беҳаёлик тарғиб қилинади» ёки «Фалон канални кўрманглар, у ерда кечаси соат 12 дан кейин ёмон кино кўрсатилади» каби услубда эмас, балки, «Хоҳ интернетда

бўлсин, хоҳ телевизорда бўлсин, хоҳ ҳаётда бўлсин, беҳаё нарсаларни кўрманглар» деб айтилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Буни айтишимизга сабаб шуки, баъзи бир кишилар «Таниқли хонанда фалон қўшиққа рақсга тушибди. Ахир бу уят-ку!» ёки «Шулар ҳам ўзбек қизларими? Нималар бўляпти ўзи? Ахир бу миллатимиз номига иснод-ку!» деб ёзиб, ўша рақслар саҳнаси акс этган видеоларни, расмларни саҳифаларига, гуруҳларга жойлашди ва яна жойлашяпти. У видеоларни қанча одам кўради. Ўша видео ва расмлар танқид этилаётган, уларни кўришдан қайтарилаётган бўлса-да, постни ўқиётган киши бир марта кириб кўради. Натижада пост эгаси нечта одамнинг гуноҳга ботишига сабаб бўлиб қолади.

Аллоҳ таоло фаҳш тарқалишини яхши кўрадиган бузғунчиларни қоралаб, шундай хитоб қилади:

مَيْلًا بَادِعٌ مُهَلَّأُونَ مَيْدَانِي فِي شَحَابِ عَيْشَتِ نَأْوُبِحِي نِيْدَالِي نِيْدَالِي
نَوْمَلْغَتِ الْ مْتَنَّاوْ مَلْغِي هَلْ لَوَاوْ عَخَالْ أَوَايْنُ دَلِي فِي

«Албатта, иймон келтирганлар ичида фоҳиша тарқалишини яхши кўрадиганларга бу дунёю охиратда аламли азоб бордир. Аллоҳ биладир, сизлар билмассизлар» (Нур сураси, 19-оят).

Мана шундай беҳаё саҳналарни ташкил қилиш фикрини илгари сурадиган, уни ташкил қиладиган, маблағ ажратадиган, хайрихоҳ бўладиган, уятсизлик аралашган кино, сериалнинг ишлаб чиқарилишини, экранларда намойиш этилишини, ижтимоий тармоқларда кўп айланишини истайдиган ва уни ўзи томоша қилиб, бошқаларга ҳам улашадиганлар фоҳиша ишлар тарқалишини яхши кўрадиганлардир. Беҳаёликка қаршилигимни изҳор қиламан деб, беҳаё саҳнани постга жойлаб, бошқаларнинг кўришига сабабчи бўлиб, шу оятда қораланаётганлар қаторига кириб қолмайлик.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мўмин киши таҳқирлайдиган, лаънатлайдиган, ахлоқсиз, беномус бўлмайди»**, деганлар.

Ушбу ҳадиси шарифда оламларга раҳмат қилиб юборилган зот соллаллоҳу алайҳи васаллам мўмин кишининг оғзидан, қўлидан сўкиш, ахлоқсизлик, ҳақорат каби нарсалар содир бўлмаслигини, у қилаётган ҳар бир ишини шарият тарозусига солиб, кейин амалга оширишини таъкидламоқдалар.

Ёмон видеолар ва ёмон гапларга қаршилигимизни билдираётганимизда, ўша видео ва гапни ёки уларнинг ҳаволасини постга жойлаб, бошқаларнинг гуноҳга ботишига сабабчи бўлмайлик! Балки беҳаёликка умумий маънода қарши эканимизни эълон қилайлик! Қаршилиқ ва нафратни изҳор қилишда беҳаё расмдан фойдаланиш шартмас! Одамларнинг кўзи, қулоғи бузуқликка ўрганиб қолмасин тағин. Ўзимиз сезмаган ҳолда жамиятда беҳаёлик ва жирканч сўзлар тарқалишига ҳисса қўшиб қўймайлик!

Аллоҳ таоло бизни нопокликлардан асраб, яхшиликка чорлаш ва ёмонликдан қайтаришни тўғри услубда амалга оширишимизни насиб этсин!

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади